

ХАДЯ ШАРТНОМАСИ ТУШУНЧАСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Қодиров Соҳибжон

Судьялар олий мактаби тингловчиси

e-mail: s.qodirov@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақола ҳадя шартномаси тушунчаси, вужудга келиши ва ривожланиш тарихи ёритилган. Ҳадя шартномасининг ўзига хос хусусиятлари миллий қонунчилик асосида таҳлил қилинган ҳолда назарий ва амалий ҳиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳадя шартномаси билан боғлиқ муносабатларнинг фуқаровий-хуқуқий жиҳатлари ёритилган. Шу билан бирга, мазкур соҳага оид назариётчи олимлар, тажрибали амалиётчи ходимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳадя, совға, хайр-эҳсон, хайрия, мажбурият хуқуқи, моддий бойликлар, одат нормалари, мулкий муносабатлар, даъво муддати, фикҳ, ҳиба.

ПОНЯТИЕ ДОГОВОРА ДАРЕНИЯ И ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ

Қодиров Соҳибжон

Студент Высшей школы судей

электронная почта: s.qodirov@gmail.com

Аннотация: В данной статье рассмотрено понятие договора дарения, история его создания и развития. Проанализированы особенности договора дарения на основе национального законодательства с теоретической и практической точки зрения. Также освещены гражданско-правовые аспекты отношений, связанных с договором дарения. При этом были проанализированы мнения и мнения учёных-теоретиков, опытных практиков в данной области.

Ключевые слова: дар, подарок, дарение, благотворительность, обязательственное право, материальные блага, обычные нормы, имущественные отношения, срок требования, фикх, хиба.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” [1] деган олийжаноб ғоя негизида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларни таъминлашда ҳар бир соҳасини қонун йўли билан тартибга солиш, инсон манфаатларига зид нормаларни бекор қилиш ҳамда фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини тўлиқ амалга оширилишини давлат томонидан таъминлаш чораларини кўришни англатади.



Тадқиқотнинг долзарбилиги

Хар қандай мамлакатнинг демократик ва инсонпарварлик хусусиятларидан бири – инсонга бўлган муносабат, инсон ҳукуқи ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам қўпгина мамлакатлар тарихий ривожланиш жараёнида инсон ҳукуқларига оид ўз қонунлар тизимини яратган [2].

Айниқса, нафақат мамлакатимизда балки, бутун дунёда ҳадя ва ҳайр-эҳсоннинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Хусусан, “COVID-19” пандемияси даврида халқаро ташкилотлар томонидан ҳамда давлатларнинг ўзаро бир-бирларига ҳайрия ва инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатишиди. БМТ Жанубий Америка, Африка, Яқин Шарқ ва Осиёдаги 51 мамлакатда COVID-19 га қарши курашиш учун 2 миллиард долларлик глобал гуманитар ёрдамни ишга туширди [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл ҳаритаси”нинг II бобида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқларни ҳимоя қилиш ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги устувор йўналишлар белгиланган бўлиб, 30-бандида инсоннинг фуқаролик-ҳукуқий муносабатларда вужудга келадиган ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид илгор халқаро стандартларни имплементация қилиш ҳамда хусусий мулкнинг дахлсизлиги кафолатларини таъминлайдиган, жисмоний ва юридик шахсларнинг, айниқса тадбиркорларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласидиган самарали фуқаролик-ҳукуқий механизmlарни белгилаш кабилар назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиши вазифаси юклатилган.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Ҳадя тушунчаси кўп йиллар мобайнида фуқаролик ҳукуқи назарияси ва уни акс эттирувчи фуқаролик қонунчилигига анча баҳсли масала ҳисобланиб келмоқда. Ҳадянинг ҳамма тан оладиган, ҳадяни тартибга солишнинг энг муҳим ўзига хос жиҳатларини белгиловчи хусусияти унинг текинга берилишидир. Аксинча, “қандай нарса ҳадя бўлиши мумкинлиги масаласи бўйича турли даврларда ва турли мамлакатларнинг доктринасида ҳам, қонун ҳужжатларида ҳам ниҳоятда хилма-хил фикрлар билдирган. Ҳадя тушунчаси моддий бойлик (буюм)ни бошқа шахс фойдасига текинга ўтказишдан тортиб, ҳайр-эҳсон, саховат кўрсатиш, шунингдек, мулкий ҳукуқни ўз ҳисобидан бошқа шахс фойдасига текинга ўтказиш нияти каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади” [4].

Қадимги Рим жамиятида дастлаб ҳуқуқ соҳаларидан биринчи бўлиб, фундамштал ҳуқуқ соҳаси сифатида фуқаролик ҳукуки вужудга келди. Дастлаб барча содир этилган ҳаракатлар, муносабатлар, одат нормалари, аньаналар, отабоболар томонидан қолдирилган маросимлар, линий муносабатлар, орқали тартибга солинган бўлса ҳам, лекин бу нормалар жамият ривожланишининг такомиллашиб бориши натижасида аста-секинлик билан ёзма равишдаги муносабатларга ўта бошлади [5].

Фуқаролик ҳуқуқи орқали юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабат [6] ларни тартибга солади. Фуқаролик-ҳуқуқий нормалар асосини Фуқаролик кодекси ва унинг асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий хужжатлар ташкил этилиб, уларда белгиланган қоидалар асосида ижтимоий муносабатларга киришилади ёки низолар ҳал этилади.

Фуқаролик қонунчилиги фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳукуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади [7]. Фуқаролик қонунчилиги тартибга соладиган муносабатлар бошқа ҳуқуқ соҳасига қараганда кенгроқ бўлиб, шунингдек, унда ҳадя ва хайр-эҳсон муносабатларини тартибга солувчи қоидалар ўз ифодасини топган.

Хусусан, Фуқаролик кодексининг 502-моддасига кўра, ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя оловчичи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қиласи ғирифатни беради.

Фуқаролик ҳуқуқий шартномалар тизимида ҳадя шартномаси шартнома бўйича мажбуриятларнинг алоҳида тури ҳисобланиб, ўзига хос белгилари билан ажратиб туради.

Ҳадя шартномасининг тушунчасини очиб беришда уни бошқа шартномалардан ажратиб турувчи ўзига хос белгиларини ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳадя шартномаси бўйича бир тарафда ҳадя қилувчи ўзига тегишли ашёни иккинчи тарафга, яъни ҳадя оловчига текинга мулк қилиб беради. Ҳадя шартномаси фуқаровий-ҳуқуқий табиатига кўра бошқа шартномалардан фарқ қиласи.

Энг аввало, ҳадя шартномасини фуқаролик ҳуқуқий шартномаларининг мутлоқ кўпчилигидан ажратиб турувчи асосий белгиси унинг текинга тузилишидир [8]. Ҳақ эвазига тузиладиган шартномаларда бир тараф иккинчи тарафга муайян бир ҳаракани амалга ошириш ёки маълум бир ҳақ бериш эвазига ўзига қарашли ашё ва бошқаларни беради, иккинчи тараф эса муайян бир ҳаракани амалга ошириш ёки маълум бир ҳақ беради ва шартномада кўрсатилган ашё ва бошқа ҳуқуқларга эгалик қиласди (масалан, олди-сотди шартномаси).

Текинга тузиладиган шартномада эса бир тараф бошқа бир тараф фойдасига ҳақ олмай, бирор-бир мулкни топшириш, бирор ишни бажариши мумкин. Масалан, ҳадя шартномаси бўйича мулк эгаси ўз мулкини бошқа бир шахста текинга беради [9]. Ҳадя шартномасининг мазмуни ҳам айнан текинга ва бирон бир манфаат эвазига тузилмаслиги билан бошқа шартномалардан фарқ қиласди.

Ҳадя шартномаси – текин шартномадир. Бошқача айтганда, бошқа тарафга мулкни топшираётган тараф бунга жавобан бошқа тарафдан ҳеч қандай эквивалент (на ҳуқуқ ва на мулк) олмайди. Акс ҳолда, бу ҳадя шартномаси бўлмайди. Ҳаттоқи, агар тарафлар тузилган шартномани ҳадя шартномаси деб белгилаб, лекин бунга жавобан бирор-бир ашёнинг ёки мулкий ҳуқуқнинг ўтишини белгиласалар ҳам ҳадя шартномаси юзага келмайди, бунда қайсиdir бошқа шартнома тузилган ҳисобланади (аксарият ҳолларда олди-сотди шартномаси) [10]. Демак, ҳадя шартномасида ҳадя қилувчи хеч қандай манфаатсиз ўзига тегишли мулкни бепул топшириш мажбуриятини олади ва ҳадя оловчи уни қабул қилиш мажбуриятини олади.

Шунингдек, ҳадя бир томонлама, реал, текинга тузиладиган шартнома ҳисобланади. Шубҳасиз, ҳадя бир томонлама битим бўлиб, тарафларнинг ўзаро келишувига асосланади. У ҳадя оловчининг таклиф қилинган мулкий ҳуқуқни қабул қилишга розилик беришида ифодаланади, айнан шу белгиси билан ҳадя қарз шартномасидан фарқ қиласди [11]. Ҳадя шартномасини ҳам бир тарафлама шартнома дейишимиз мумкин бўлиб, бунда шартнома бир тарафнинг ҳохишига кўра амалга оширилиши ва иккинчи тарафнинг муайян бир ҳаракат ёки ҳақ тўлаш мажбуриятини олмаслиги билан таснифлаш мумкин.

Ҳадя шартномасининг ривожланиш тарихига тўхталадиган бўлсак, Ҳадя фуқаролик ҳуқуқидаги энг қадимги шартномалардан бири сифатида тан олинган. Дастребки босқичда ҳадя мажбурий бўлмаган норасмий келишув эди. Фақат императорлик даврида бу келишувлар империя қонунчилигига ҳимояланган [12]. Ишонч асосидаги келишувга мувофиқ бир томон (ҳадя берувчи) бошқа томон (ҳадя оловчи) га сахийлик рамзи сифатида тақдим зтади. Ашёга сервитут белгиланиб, ҳадя эканлиги ваъда қилинган ва ҳадяни оловчи шахс инъом этилган ашёга эгалик ҳилиш ҳуқуқини қўлга киритган (тақдим этилган, бажариб берилган ва ҳ.к.).

Мумтоз даврда норасмий ҳадя ваъдаси ҳуҳуқий кучга эга бўлмаган. Стинуляцияга риоя қилиш зарур эди. Қариндошларга ҳадя қилишдан ташқари, қонун ҳадя миқдорининг ҳаддан ташқари кўп миқдорда бўлишини чеклаган IV асрда ҳадялар миқдорига чеклов бекор ҳилинди. Юстиниан ҳадя ҳужжатлари расмийлаштирилаётганда, агар унинг миҳдори 500 тилладан ошса, унга ҳакамлик институциясини жорий қилган (рўйхатга киритиш шарти билан судга арз қилиш). Арzonроқ нарҳдаги ҳадялар ҳар қандай расмиятчиликдан холи бўлган. Шундай қилиб ҳадяга оид келишув даъво ҳимоясига эга бўлган [13].

Республика давридаги Рим ҳуқуқи (милоддан аввалги V–I асрлар) хайрияни мулк ҳуқуқининг пайдо бўлишининг асосларидан бири деб ҳисоблаган ва ҳуқуқларга эга бўлишнинг ҳосилавий усуслари билан боғлиқ [14]. Совға шартномасига кўра, бир томон – ҳадя қилувчи бошқа томонга, ҳадя олувчига сахийлик кўрсатиш учун ўз мулки ҳисобидан ҳар қандай қимматбаҳо нарсаларни беради [15].

Маълумки, шартнома бир нечта шаклларда тузилиши мумкин: нарсага бўлган ҳуқуқни ўтказиш, пул суммасини тўлаш, сервитут ҳуқуқини бериш ва бошқалар. Рим ҳуқуқи бўйича ҳадя шартномасининг алоҳида ҳолати совға ваъдаси эди, яъни бирор нарса бериш ёки бирон бир ҳаракатни амалга ошириш ваъдаси. Хайрия ваъдаси, агар шарт шаклида амалга оширилса, қонуний кучга эга эди. Шарт бу – савол сўралган киши, у ўзидан сўралган нарсани бераман ёки қиламан, деб жавоб берадиган оғзаки формуладир. Шартнома, моҳиятига кўра, бир томонлама битим эди бўлиб, кредитор талаб қилиш ҳуқуқига эга, қарздор эса фақат бажариш мажбуриятига эга эди.

Ўзбекистон худудида VI асрлардан то XX аср бошларига қадар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мусулмон ҳуқуки меъёрлари асосида тартибга солинган. Албатта, бунда мусулмон ҳуқуқининг суннийлик оқими, ханафия мазҳаби асосий ўрин эгаллаган. Мусулмон ҳуқуқи амал қилган даврларда ҳуқуқнинг асосий манбаи Қуръони Карим ҳисобланган. Қуръони Каримда мол-мулк, мерос, васийлик ва ҳомийлик, ҳадя, хайр-эҳсон, мажбурият муносабатларида аҳдга содиқлик ва шу каби масалаларни тартибга солувчи кўрсатмалар мавжуд. Қуръони Каримда тартибга солинмаган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар сунна, ижмо, қиёс орқали тартибга солинган [16].

Мусулмон ҳуқуқида ҳадя ва хайр-эҳсон реал шартномавий муносабатлар ҳисобланиб, фиқхшунос олимлар томонидан Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар асосида батафсил тартибга солувчи қоидалар ишлаб чиқилган.

Хусусан, Ислом динида ҳадя ва хайр-эҳсон қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатларни ҳамда инсонлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамловчи восита сифатида эътироф этилади. Ҳибадан, яъни инъом ва эҳсондан мақсад дунёда дўстлик ва ошноликдир. Ҳадиси шарифда “Тамаду ва талибу” деб, яъни: “Бир-

билингвистикада инъом ва эхсон қилингизлар, бир-билингвистикада дўст бўласизлар” [17] дейилган.

Мусулмон ҳуқуқида ҳадя шартномасини тузишга алоҳида эътибор қаратилади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳадя шартномасини тузиш ташаббуси ҳадя қилувчида бўлади. Масалан, “Сенга яхшиладим ва бердим”, – демок, ва буларга ўхшаган сўзлар билан ҳиба дуруст бўлади. Бас, агар бир киши бир одамга: “Бу сенга”, – деса, ҳиба қилганга икрор қилибди. Чунончи, “Муҳит” китобида келтирилган. “Заҳирийя” китобида шуки, агар бир киши: “Бу чўрини менга бағишлагин”, – деса, чўрининг хожаси: “Сенга фидо бўлсин”, деса ёки. “Сендан аялмайди”, – деса, ҳиба бўлмайди [18]. Бундан кўринадики, бирор нарсани ўзига беришни сўраса ва унга шу нарса текинга берилса ҳам мусулмон ҳуқуқида ҳадя ҳисобланмайди. Шунга кўра, ҳадянинг ўзига хос хусусияти ташаббус фақатгина ҳадя қилувчида бўлади.

Ҳадя шартнома ҳисобланар экан, мусулмон ҳуқуқида ҳам ҳадя оловчининг розилиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳадя оловчи ҳадяни қабул қилдим деб тасдиқлаши ёки ҳадяни қабул қилганлигини имо-ишора билан ҳам тасдиқлаши мумкин бўлган. Хусусан, ҳибани оладиган одам ҳиба мажлисида ҳиба қилинган нарсани қабул қилиб олмоғи билан ҳиба тўлиқ бўлади, яъни ҳиба олган кишининг мулкига киради ва агар ҳиба қиладиган одамнинг сарих ва равшан жавоби бўлмаса ҳам [1].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мусулмон ҳуқуқида ҳадяни предмети ҳам алоҳида тартибга солинган. Масалан, шериклик бўлинмаган ва тақсим қилинмаган ер ва ҳовлини, катта уйни икки киши ҳиба қилмоғи дуруст эмас. Аммо тақсим қилмоқ мумкин бўлмаган нарсаларда, масалан, кичик уй, ҳаммом ва тегирмонга ўхшаган нарсаларда ҳиба қилмоқ дуруст бўлади. Бас, ҳиба қилинган нарса тақсим қилиниб, ундан кейин бағишлиланган кишига топширилса, у ҳиба дурустдир [20]. Ҳали қўлга киритилмаган ёки асосий ашёдан ажратилмаган мол-мулкни ҳадя қилиш ҳақиқий ҳисобланмаган. Масалан, қўйининг олинмай турган юнгини, дарахтнинг устидаги мевани, ердаги ўрилмаган ва йигилмаган экинни ва ерда кўкариб турган дарахтни ҳиба қилмоқ, яъни беэваз инъом ва эхсон қилмоқ. Булар тақсим қилинмаган шериклик мол каби бўлган” [21] деб таъкидланади.

Мусулмон ҳуқуқида ҳадяни бекор қилиш мумкин бўлмаган 7 та ҳолат санаб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Ҳиба қилинган нарсага муттасил нарсанниг қўпаймоғи, масалан, ҳиба қилинган нарсага дарахт ўтқазмоғи ва иморат қилмоғи. У ҳиба қилинган нарсанинг семирмоғи ва чиройли бўлмоғига ўхшаш.

2. Ҳиба қилган одамнинг ё ҳиба олган одамнинг бирини ўлмоғи.

3. Ҳиба учун баробарига нарса бермоғи ва агар у берилган нарса ажнабий кишидан бўлса ҳам. Масалан, берган ҳибанинг ўрнига бу нарсани ол, деб бермоқ.

4. Ҳибани сотмоқ ё бирорга инъом қилмоқ ё бошқа сабаб билан у ҳибанинг олган киши мулкидан чиқмоғи.

5. Ҳиба вақтида ҳибани олган билан берганинг эр ва хотин бўлмоқлари.

6. Ҳиба қилган киши билан ҳибани олганинг бирига маҳрам бўлмоқлари, яъни никоҳи ҳаром қариндош бўлмоқлари. Пайғамбар алайҳиссаломнинг айтган сўзлари тўғрисиданки: “Агар ҳиба зи-роҳм маҳрамга бўлса, у ҳибани қайтиб олмайди”, - дебдилар.

7. Ҳиба қилинган нарсанинг ҳалок ва нобуд бўлмоғи. Ушбу 7 хил хукмнинг бири мавжуд бўлса, ҳиба қилган киши қайтариб ололмайди [22].

Бундан қўринадики, мусулмон ҳуқуқида ҳадяни бекор қилиш мумкин бўлмаган ҳолатлар батафсил белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоихки, 1917 йил Октябрь инқилобидан сўнг мамлакатимизда мусулмон ҳуқуқи бекор бўлиб, совет қонунчилиги амал қила бошлаган. Дастреб сабиқ совет қонунчилигининг ҳадя шартномасига нисбатан муносабати салбий бўлган. Йирик бойликлар алоҳида шахслар қўлида тўпланиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида қонун чиқарувчи орган ВЦИК нинг 1918 йил

20 майдаги “Ҳадялар ҳақида”ги Декрети билан ҳадя шартномаси шакли ҳамда ҳадя этиш мумкин бўлган мулкни энг катта миқдорини белгилаб, 10000 рублдан юқори миқдордаги мулкни ҳадя қилиш ҳуқуқи чеклаб қўйилди. Ушбу декрет вафот этган шахснинг мулкини ҳадя этишни таъқиқлаб, шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш оқибатларини ҳам белгилади. 1000 рублдан 10000 рублгача бўлган мулкни ҳадя қилишда нотариал ёки суд акти шаклига риоя қилиниши шарт бўлган, акс холда ҳақиқий эмас деб топилга[23]. Шунга мос равища кўрсатилган таъқиқлар 1922 йилдаги РСФСР Гражданлик кодексининг 138-моддасида ҳам ўз ифодасини топди [24]. ЎзССР ЦИКнинг 1927 йил 26-27 ноябрдаги қарори билан ЎзССР Гражданлик кодекси қабул қилиниб кучга киритилди. Таъкидлаш жоизки, ЎзССР Гражданлик кодекси РСФСР Гражданлик кодекси асосида қабул қилинган бўлиб, ҳадя тўғрисидаги қоидалар айнан бир хил бўлган [25].

“Ўзбекистон Республикасида то XX асрнинг 60-йиллари бошларигача амал қилган фуқаролик қонунчилиги ўз даври зиддиятларини мазмунида акс эттиради. Амалда фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳукуқларини амалга ошириш имкониятлари чегараланган, хусусий мулк, тадбиркорлик таъқиқланган, ҳукуқ меъёрларида мафкуравий ақидалар устувор ўринни эгаллаган эди. Деярли барча мол-мулк давлат қўлида тўпланган, кучли маъмурий-буйруқбозлик тизими,

ҳарбийлаштирилган тартиб-интизом фуқаролик қонунлари таъсирини амалда заифлаштирган эди” [26].

Ўзбекистон ССРнинг 1964 йилдаги Гражданлик кодексининг 274-моддасига кўра, ҳадя шартномаси бўйича бир тараф (ҳадя қилувчи) мулкни иккинчи тарафнинг (ҳадя олувчининг) эгалигига текинга топширган. Гражданлар томонидан ўз мулкларининг давлат, кооператив ёки жамоат ташкилотларига ҳадя қилинишида, бу мулкларнинг муайян ижтимоий фойдали мақсадларда фойдаланиши шарт қилиб кўрсатилиши мумкин бўлган.

Ўзбекистон ССР ГКнинг 275-моддасига кўра, 500 сўмдан ошиқ суммага тузиладиган ҳадя шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши лозим бўлган. Граждан томонидан мулкни давлат, кооператив ёки жамоат ташкилотига ҳадя қилиш шартномаси оддий ёзма формада тузилган. Уй-жойни ҳадя қилиш ҳадя қилиш шартномаси, ҳақиқий саналмаслиги хавфи остида, нотариал гувоҳлантирилиши ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитетида рўйхатдан ўtkазилиши лозим бўлган. Мазкур модданинг биринчи қисмида 500 сўмдан ошиқ суммага тузиладиган ҳадя шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши лозимлиги белгиланган бўлсада валюта қимматликлари билан боғлиқ ҳадя шартномалари ҳам нотариал гувоҳлантирилиши шарт бўлган. Хусусан, Ф.Х.Сайфуллаев таъкидлашича: “Ҳадя шартномаси юз сўмга қадар бўлса, оғзаки формада тузилиши мумкин. Юз сўмдан беш юз сўмгача тузиладиган ҳадя шартномаси ёзма равишда ва беш юз сўмдан кўп суммага тузиладиган, шунингдек эллик сўмдан кўп суммадаги валюта қимматликларига тузиладиган ҳадя шартномаси нотариал гувоҳлантирилган формада расмийлаштирилиши керак” [27].

Бундан кўринадики, совет давлатининг ҳадя шартномасига муносабати ўша даврдаги ғоявий-сиёсий қарашлар таъсири остида бўлган ва уни қўлланилиш доираси кескин тор қилиб белгилаб қўйилган ҳамда социалистик ахлоқ принципларига ҳавола қилиш билан оқлаб келинган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимизда бозор муносабатларини қарор топтириш ва ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш бош мақсад сифатида белгилаб олинди. Амалдаги ГК эса бу вазифаларни бажара олмас эди. Шу сабабли ҳам ўша даврдан бошлаб фуқаролик қонунчилиги ривожида янги босқич бошланди. Бу босқичнинг характерли хусусияти шундаки, бунда ГКнинг иқтисодиёт соҳасини тартибга солувчи меъёрлари амалда қўлланмай қўйилди [28]. Уларнинг ўрнига бошқа қонун хужжатлари ишлай бошлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин фуқаролик қонунларини тубдан қайта қуриш, бозор тизими, ҳуқуқий демократик давлат талаблари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида янгилаш вазифаси кўндаланг

қўйилди. Фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солишда эски ГК ўрнига оғирлик марказини ўз зиммасига олган жорий қонунларни узвий боғлайдиган, яхлит тизимга соладиган, улар ўртасидаги мутаносибликни таъминлайдиган янги ФК ишлаб чиқиши лозим эди. Мамлакатимизда бу борадаги саъй-ҳаракатлар 1992 йил ўрталаридан бошланди [29].

Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодексининг биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми эса 1996 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинди ва 1997 йил 1 марта кучга киритилди. Унда “Мажбуриятларнинг айрим турлари”га бағишлиланган 3-кичик бўлимининг 31-боби “Ҳадя” тўғрисидаги маҳсус нормаларни мустаҳкамлаган бўлиб, 502-511 моддаларни ўз ичига олди.

Жамият тараққиётида мулкнинг муҳим ўрин тутишлiği сабабли, қонунчилигимизда мулк ҳуқуқига, унинг хилма-хил шаклларига, шунингдек уларни амалга ошириш услубларига ва воситаларига алоҳида эътибор қаратилди [30]. Шу билан бирга, ҳозирги бозор иқтисодиётига асосланган давлатда нафақат ҳадя тўғрисидаги муносабатлар, балки бошқа шартномавий ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ишлари амалга оширилмоқда. Чунки, жамиятдаги ижтимоий муносабатларга қараб ҳуқуқ соҳасини ҳам ўзгартириб бориш замон талаби ҳисобланиб, юзага келаётган мавжуд ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари механизмини яратиш борасида жаҳондаги етакчи давлатлардан андоза олиш билан бирга, минг йиллардан бери шаклланган миллий урф-одат ва анъаналар, аждодларимизнинг бой меросини ўзлаштирган ҳолда жамиятимиз ҳаётини янада демократлаштириш имконига эга бўламиз [31].

ХУЛОСА

Юқоридагиларга кўра, ҳадя тўғрисидаги муносабатларнинг вужудга келиши Рим ҳуқуқи даврига бориб тақалади. Рим ҳуқуқида ҳадя мулк ҳуқуқи вужудга келиши асосларидан бири сифатида шаклланган. Ҳадянинг ўзига хос хусусияти бир шахснинг бошқа шахсга ашёни мулк қилиб бериш ёки бундай мажбуриятни олиши ва бунинг эвазига хеч қандай наф олмасдан тузиладиган шартнома ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://uza.uz/uz/society/prezidentimizing-nutqi-mamlakatimizda-inson-manfaatlari-ham-20-09-2017>.
2. А.Хусейнова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Бухоро давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори. https://www.uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-va-inson-huquqlari-himoyasi_327572.
3. <https://www.unodc.org/unodc/en/press/releases/2020/March/covid-19-global-humanitarian-response-plan.html>.
4. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая: Текст, комментарий, алтернативно-предметный указатель/ Под.ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковский, С.А.Хохлова. -М., 2006. -С. 301-302.
5. Рим ҳукуқи: юриспруденция бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун дарслик//В.Р.Топиллиев; Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. -Тошкент: Янги аср авлоди. 2013. 260 б.
6. Фуқаролик ҳукуқи: Дарслик. I қисм/Муаллифлар жамоаси – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2016. -312 бет.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Биринчи қисм. (Конунчилик маълумотлари миллий базаси, охирги ўзгартириш 25.10.2023 й., 03/23/871/0797-сон) <https://old.lex.uz/docs/111189#155450>.
8. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая: Договоры о передачи имущество (2-е издание, стереотипное). -М.: Статут, 2011. -С. 330.
9. Фуқаролик ҳукуқи: Дарслик. I қисм. И.Б.Зокиров; Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 бет.
10. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Профессионал шарҳлар. Т 2./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Baktria press, 2013. 912 б.
11. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳукуқи. II-қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. –114 б.
12. Косоруков А.А. К вопросу об истории развития договора дарения // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2012. № 4. С. 68.
13. Рим ҳукуқи: юриспруденция бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун дарслик / В.Р.Топиллиев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. -Тошкеит: Янги аср авлоди. 2013. 260 б.
14. Косарев А.И. Римское частное право. М., 1998. С.110.
15. Винавер М.М. Дарение и завещание (страница из истории кодификации) // Вестник гражданского права. 2014. № 5. С. 174.

16. Мусулмон хуқуқи манбалари ҳақида қаранг: Бурхониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. 1 жилд. -Тошкент: Адолат. 2000.; Мухтасар. -Тошкент: Чўлпон,. 1994. Ҳадислар. 1, 2, 3, 4 томлар. -Тошкент: Қомуслар нашриёти, 1991-1994.; Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси нашриёт уйи,. 1997. -20-36- б.
17. Мақсадхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсад: 2-китоб / Масъул мухаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. - Т.: "Sharq", 2015. –Б. 192.
18. Мақсадхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсад: 2-китоб / Масъул мухаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. - Т.: "Sharq", 2015. –Б. 192-193.
19. Мақсадхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсад: 2-китоб / Масъул мухаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. - Т.: "Sharq", 2015. –Б. 193.
20. Мақсадхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсад: 2-китоб / Масъул мухаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. - Т.: "Sharq", 2015. –Б. 193.
21. Қаранг: Хидоя: Комментарии мусульманского права. Ответственный редактор: А.Х.Сайдов.–Т.: Узбекистан, 1994. Ч-2. –С. 238.
22. Мақсадхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсад: 2-китоб / Масъул мухаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. - Т.: "Sharq", 2015. –Б. 196-197.
23. Брагинский М. И., Витрянский В. В. Договорное право. Кн.2: Договоры о передаче имущества. -М., 2003. -С. 292.
24. Изоҳ: 1927 йил Ўзбекистон ССР ГК қабул қилингунга қадар мамлакатимиз ҳудудида РСФСР ГК амалда бўлган. Қаранг: Раҳманкулов, Ҳ. А. Возникновение и развитие гражданского законодательства Узбекской ССР //Правоведение. -1975. - № 6. - С. 66-72.
25. Раҳманкулов, Ҳ. А. Возникновение и развитие гражданского законодательства Узбекской ССР //Правоведение. -1975. - № 6. - С. 69.
26. И. Б. Зокиров. Фуқароликхуқуқи. I қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. –Т.: ТДЮИ, 2009. –Б. 13.
27. Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССР нинг Гражданлик хуқуқи. Дарслик. II-қисм. / А.А.Аъзамхўжаев, И.Б.Зокиров таҳрири остида. –Т.: Ўқитувчи, 1988. –Б. 18.
28. Зокиров И. Б. Фуқароликхуқуқи. I қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. –Т.: ТДЮИ, 2009. –Б. 16.
29. Зокиров И. Б. Фуқароликхуқуқи. I қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. –Т.: ТДЮИ, 2009. –Б. 16.